

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

МУРТАЗАЕВ КУВОНДИК МУСТАФАЕВИЧ

**БИНО ВА ИНШОТЛАР КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ОЛОВ ВА
ИССИҚЛИК ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ
НАЗАРИЙ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва радиация
хавфсизлиги.**

05.05.05 – Иссиқлик техникасининг назарий асослари

**техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)техническим
наукам**
Contents of dissertation abstract of doctor (DSc)of technical sciences

Муртазаев Кувондик Мустафаевич

Бино ва иншоотлар конструкцияларини олов ва иссиқлик таъсиридан
химоялаш усулларининг назарий ва экспериментал асосларини
такомиллаштириш

Муртазаев Кувандик Мустафаевич

Совершенствование теоретических и экспериментальных основ методов
защиты конструкций зданий и сооружений от воздействия огня и
тепла.....

Murtazayev Kuvandik Mustafaevich

Improvement of theoretical and experimental foundations of methods to protect the
constructions of buildings and structures from the effects of fire and heat

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.40/30.12.2020.Т.129.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР
ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ**

МУРТАЗАЕВ КУВОНДИК МУСТАФАЕВИЧ

**БИНО ВА ИНШОТЛАР КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ОЛОВ ВА
ИССИҚЛИК ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯЛАШ УСУЛЛАРИНИНГ
НАЗАРИЙ ВА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.**

**05.10.02 – Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик. Ёнғин, саноат, ядро ва радиация
хавфсизлиги.**

05.05.05 – Иссиқлик техникасининг назарий асослари

**техника фанлари доктори диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.DSc/T487 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.akademiya.fvv.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Муҳиддинов Жалолиддин Носирович

техника фанлари доктори, профессор

Нуркулов Файзулла Нурмунинович

техника фанлари доктори, к.и.х.

Расмий оппонентлар:

Узоқов Гулом Норбоевич

техника фанлари доктори, профессор

Умаров Фарходбек Яркулович

техника фанлари доктори, профессор

Каримов Масъуд Убайдулла ўғли

техника фанлари доктори, к.и.х.

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.40\30.12.2020.T.129.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100102 Тошкент шаҳри, Янгиҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. (тел: (71) 258-35-33, факс (71) 258-56-57), E-mail:info@akademiya.fvv.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 100102 Тошкент шаҳри, Янгиҳаёт тумани, Дўстлик кўчаси, 5-уй. (тел: (71) 258-35-33, факс (71) 258-56-57), E-mail:info@akademiya.fvv.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ № _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Т.Ибрагимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.М.Дўсматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н.,

доцент

Р.И.Исмаилов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (Dsc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда саноат тармоқларининг кенг ривожланиши ва ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин ошиши эвазига қурилиш конструкциялари ва материалларини оловдан ҳимояловчи турли самарали воситалардан фойдаланиш, жумладан металл конструкция ва материалларга полимер композитлар билан ишлов бериш, иссиқлик изоляция, оловбардош лок-бўёк ва бошқа материалларнинг таркибларини яратиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ этишга катта эътибор берилмоқда. Бино ва иншоотларнинг металл конструкцияларга олов ва иссиқлик таъсирида конструктив хусусиятларни аниқлаш ва оловбардош полимер композит қопламаларни илмий асосланган ҳолда тўғри танлаш авария қутқарув ишларини ташкиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда бино ва иншоотлар конструкцияларини иссиқлик таъсиридан ҳимоялаш учун оловбардош қавариқланувчи полимер композитларни яратиш ҳамда қўллаш бўйича кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда самарали композитлар сифатида полимер боғловчилар, антипиренлар, қавариқланувчи кимёвий қўшимчалар ва тўлдирувчиларнинг ресурстежамкор, экологик хавфсиз таркибларни ишлаб чиқиш, полимер композит материалларни металл конструкциялари юзасида қоплама ҳосил қилиши ҳамда термик стабилизациясини амалга оширишда, уларни ингибирланишини ҳисобга олган ҳолда оловбардош қавариқланувчи полимер композитлар ва металл конструкциялар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда фавқулодда вазиятларни олдини олишда оловбардош, қавариқланувчи полимер композитларни ресурстежамкор таркибларни яратиш ҳамда қўллаш борасида кўплаб илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Шу билан бирга, иссиқлик таъсиридан ҳимоялашда полимер композитларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этишга қаратилган тадқиқот ишларини жадаллаштириш зарурати туғилмоқда. Ушбу йўналишда “...қурилиш материалларини ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш, ҳудудларда аҳоли учун арзон уй-жойлар қурилишини таъминлаш, уй-жой қурилиши бозорида талаб ва таклиф номуносивблигини қисқартириш”¹ каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада маҳаллий хом ашёлар асосидаги полимер композит қопламалар билан металл конструкцияларни олов ҳамда иссиқлик таъсиридан ҳимоялашнинг самарадор технологияларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-139-сонли қарори, 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сон, “Қурилиш материаллари

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-139-сонли қарори.

саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги 649-сон “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Полимер композитлар асосидаги ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган қопламаларни олиш учун полимер боғловчилар, қавариқ ҳосил қилувчи кўшимчалар ҳамда ёнғинбардошлигини яхшиловчи антипиренларни яратиш, амалиётга жорий қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Polytechnic University / Polymer Research Institute (АҚШ), Mindanao State University-Iligan Institute of Technology (Филиппин), Laboratory of Mineral Processing and Resources Recycling, Division of Sustainable Resources Engineering, Hokkaido University (Япония), University of New South Wales (UNSW) (Австралия), Nanjing Tech University (Хитой), Wuhan Institute of Technology (Хитой), Fire Safety Engineering Education at University of Science and Technology of China (Хитой), KFI - Korea Fire Industry Technology Institute (Жанубий Корея), Санкт-петербургский университет государственной противопожарной службы МЧС России (Россия), Академии МЧС России (Россия), IFAB – Institute for applied fire safety research (Германия), Düzce University (Туркия) ҳамда бошқа бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда.

Полимер материаллар асосидаги ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган композит қопламалар ишлаб чиқаришдан мақсад инсоният томонидан йиллар давомида табиий муҳитни ифлослантиришга олиб келаётган технологик тараққиёт туфайли ёнғинга хавfli моддаларни катта миқдорда ишлаб чиқилиши ва сақланиши туфайли табиатда кенг кўламли муаммолар вужудга келади. Муаммони ҳал қилиш учун кимёвий таркиб, ҳарорат ва бошқа атроф-муҳит параметрларининг ўзгариши натижасида юзага келадиган ёнғиннинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва ўрганиш бўйича кенг кўламли ёндашувлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган (АҚШ); пассив ёнғиндан ҳимоя қилишнинг замонавий усуллардан юпқа қатламли ёнғиндан ҳимоя қилишда лок бўёқлар ва аралашмалардан фойдаланиш, ёғоч ва матолар учун шимдириш, материал ҳимояланган юзага қоплаш орқали кўллаш натижасида металл конструкциялари, ёғоч ва полимер материалларни ёнғинбардошлигининг механизмларининг назарий ва амалий тадқиқотлари амалга оширилган (Филиппин); сўнгги йилларда бино ва иншоотларнинг, шу жумладан инсонларни иш фаолиятида (саноат

корхоналари, савдо ва кўнгилочар марказлар, спорт иншоотлари, вокзаллар ва аэропортлар, жамоат бинолари) ёнги хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этган (Япония); Бугунги кунда Хитой ва бошқа давлатларда ҳам ёнгидан химояловчи қавариқланадиган қопламаларни олишда органик эритувчилар ва эритмасиз (100% қуруқ қолдиқ) эпоксид смолалари асосида қавариқланувчи (интумесцент) ёнгибардош воситалар ишлаб чиқариш ва уларни механизмлари бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Хитой); Нефть ва газ объектларининг ёнги ва портлаш хавфсизлигини ошириш давлатни техноген ва экологик таҳдидлардан химоя қилишни таъминлашнинг энг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Нефть ва газ объектларида ёнгилар келиб чиқишини камайтириш ҳамда металл конструкцияларни юк кўтариш қобилиятини яхшилаш мақсадида меламина, пентаэритрит ва турли полимер боғловчиларни коксулаш хусусиятларини ўрганиб келмоқда (Россия).

Дунёда бино ва иншоотлар металл конструкцияларни химоялашда қўлланиладиган ёнгидан химояловчи, қавариқланадиган ҳамда иссиқлик физик хусусиятларга эга бўлган полимер қопламаларни олишнинг ресурс-тежамкор замонавий технологияларини ишлаб чиқиш орқали ёнгилар натижасида атроф-муҳитнинг ифлосланиши олдини олиш. Шунингдек, яшаш муҳитининг умумий экологик ҳолатини ёмонлаштириш каби хавфли материалларни ўз ичига олган чиқинди оқимлари, фотокимёвий зарралар (смог), ёнгилардан карбонат ангидрид чиқиндилари чиқиши билан ҳосил бўладиган хавфли омилларни камайтириш, ёнгилардан химояловчи қавариқланадиган қопламаларнинг декоративлиги ва бажарилган ишларнинг самарадорлиги сабабли қўлланилиши ошиб бормоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда оловбардош қавариқланадиган полимер композитли қопламаларни янги таркибларини яратиш бўйича Edward Weil., Joshua B. Zoleta., Gevelyn B. Itao., Mayumi Ito., Naoki Hiroyoshi., Carlito Baltazar Tabelin., Wang Zhan., Le Chen., Shi Liu., Cheng Wang., Sarathiraja M., Devanathan Sriram., Волков Д.П., Кораблев В.А., Заричняк Ю.П., Красина И.В., Микитаев А.К., Джалилов А.Т., Муҳиддинов Ж.Н., Ибрагимов Б.Т., Курбанбаев Ш.Э., Нурқулов Ф.Н. ва бошқа олимларнинг илмий ишларида батафсил ёритилган ва маълум даражада ижобий натижаларга эришилган.

Оловбардош материалларни яратиш мақсадида антипиренлар, қавариқланувчи кимёвий қўшимчалар, полимер боғловчилар ҳамда тўлдирувчиларни олишнинг турли усуллари ҳамда нисбатлари, технологик омилларнинг таъсири ва структура ва механизмларни яхшилаш, иқтисодий ва экологик самарадор технологияларни ишлаб чиқиш каби муаммоларни ўрганишга асосланган.

Ушбу йўналишдаги сўнги ютуқлардан бири иссиқлик таъсиридан химоялаш учун оловбардош қавариқланувчи композитларни полимер боғловчилар, антипиренлар, қавариқланувчи кимёвий қўшимчалар ва тўлдирувчилар, шунингдек ишлаб чиқаришга муваффақиятли жорий этилган

металл сақлаган кимёвий қўшимчалар асосидаги янги таркибли полимер қопламалар олишининг янги технологияларидир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҳамда БВ-Атех-2018 “Маҳаллий минерал хом ашё асосида қурилиш конструкциялари ва материалларининг оловбардошлиги ва олов таъсиридан изоляциялаш даражасини кўтариш” (2018–2020 йиллар) мавзусидаги амалий лойиҳа ҳамда МВ-Атех-2018-58 “Янги авлод металлорганик олигомер қўшимчали оловбардош, иссиқлик изоляцияловчи қурилиш материалларини тадқиқ этиш ва технологиясини яратиш” (2018-2020 йй.) мавзусидаги грант лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бино ва иншоотлар конструкцияларини оловдан ҳимояловчи, қавариқланадиган ҳамда иссиқлик физик хусусиятларга эга бўлган полимер қопламаларни ресурстежамкор, экологик хавфсиз технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оловдан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композитли қопламаларни назарий асосларни ва маҳаллий ҳамда иккиламчи хом ашёлардан янги таркибларни яратиш ва хусусиятларни тадқиқ қилиш;

янги таркибли акрил сополимерлари ҳамда эпоксид смоласи асосидаги ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер қопламаларни яратишда полимер боғловчи, қавариқланувчи кимёвий қўшимчалар ҳамда антипиренларни ўзаро оптимал нисбатларини аниқлаш;

янги таркибли акрил сополимерлари ҳамда эпоксид смоласи асосидаги ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер қопламаларни физик-кимёвий ва механик хоссаларига таъсирини ўрганиш;

нефть ва газ соҳасида қўлланиладиган ёнғиндан ҳимояловчи, қавариқланадиган қопламаларни ёнғин техник талаблари асосида термогравиметрик таҳлили, кислород индекси ва тутун ҳосил қилиш коэффициентига таъсири, ёнғинбардошлиги ва қавариқланиш хусусиятларни аниқлаш ҳамда иссиқлик физик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда структураси, кокс ҳосил бўлиш механизми ўртасидаги боғлиқликнинг назарий ва экспериментал асосларини ўрнатиш, шунингдек кимёвий таркибларга қараб қавариқланувчи қопламалар яратишнинг ягона ёндашувини яратиш;

янги таркибли ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композитларнинг иссиқлик физик хусусиятлари, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, иссиқлик сиғими, электр ўтказувчанлигини тадқиқ этиш ва иссиқлик-физик хусусиятларини ҳарорат ўзгариш жараёнида математик моделини ишлаб чиқиш;

ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композитли қопламаларни металл конструкция юзасига қўллашда ҳарорат ва вақтни сарфга боғлиқлигини тадқиқ этиш;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва иккиламчи хом ашёлардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда назарий ва экспериментал асосларини такомиллаштириш орқали ишлаб чиқилган ресурстежамкор, экологик хавфсиз полимер боғловчилар, қавариқланувчи кимёвий қўшимчалар, антипиренларнинг янги таркибларни ўрганиш, уларни самарадорлигини баҳолаш ва ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композит қопламаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш.

Тадқиқотнинг объекти бино ва иншоотлар конструкцияларини ҳимоялашда қўлланиладиган акрил сополимерлари ҳамда эпоксид смоласи асосидаги ёнғиндан ҳимояловчи, қавариқланадиган ва иссиқлик физик хусусиятларга эга бўлган полимер қопламаларидир.

Тадқиқотнинг предмети ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композит қопламалар олишда акрил стирол сополимери, эпоксиполиуретан, Na-карбоксиметилцеллюлоза, изопрен каучук, эпоксид смоласи, полисульфид каучук асосидаги полимер боғловчилар, меламин, пентаэритрит ва полифосфат аммоний асосидаги қавариқланувчи кимёвий қўшимчалар ҳамда карбомид, цианур кислотаси ва аддуктлар асосидаги антипиренлар, металл оксид ва гидроксидлар кокс ҳосил қилувчи қўшимчалар ҳамда тўлдирувчиларнинг оптимал концентрацияси, таъсир механизми ва композитларнинг иссиқлик физик хусусиятлари ҳамда кимёвий ва механик хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда полимер композитли қопламалар таркиблари ва уларнинг олов ҳамда иссиқлик таъсири жараёнида инфрақизил (ИК) спектроскопия, сканерловчи электрон микроскопия (СЭМ) ва термогравиметрик (ТГ ва ДТГ) таҳлил, қавариқланиши, кислород индекси, тутун ҳосил қилиш коэффицентини аниқловчи қурилма, математик статистика ва корреляцион таҳлил ҳамда физик-механик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

акрил сополимерлари ва эпоксид смоласи асосида ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган қопламаларни маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан янги таркибли полимер композитларни гомогенлаш ёрдамида ишлаб чиқилган;

янги таркибли полимер композит қопламалар яратишда полимер боғловчилар, қавариқланувчи кимёвий қўшимчалар, антипиренларни турли нисбатларда қўшилиши иссиқлик таъсири ва қавариқланиш механизми полимер боғловчи, азот, фосфор ва металл гуруҳлар ҳисобига содир бўлиши исботланган.

янги таркибли қавариқланадиган полимер қопламалар физик-кимёвий ва механик хоссалари полифункционал таъсирга эга кимёвий қўшимчаларни оптимал нисбатлардан келиб чиқиб полимер қопламанинг адгезияси 1 балл, майдаланиш даражаси 40мкм, зарбга нисбатан мустаҳкамлик чегараси, 18-20 см дан иборат эканлиги аниқланган;

нефть ва газ соҳасида қўлланиладиган ёнғиндан ҳимояловчи, қавариқланадиган қопламаларни ёнғин техник талаблари асосида кислород индекси 18% дан 42%гача кўтарилган ва тутун ҳосил қилиш коэффициентини 380 м²/кг дан 263 м²/кг гача пасайганлиги, қавариқланиш хусусияти 3-4 гуруҳга мансублиги аниқланган;

янги таркибли ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композитларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги паст, иссиқлик сиғими юқори эканлиги, электр ўтказувчанлиги ва радиация таъсирига барқарорлиги аниқланган ҳамда иссиқлик-физик хусусиятларини ҳарорат ўзгариш жараёнида математик модели ишлаб чиқилган;

ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композитли қопламаларни металл конструкция юзасига қўллашда критик ҳарорат (500°С) ва вақт (60 дақиқа) да қопламанинг сарфи 1,9 кг/м² ҳамда критик ҳарорат (500°С) ва вақт (90 дақиқа) да қопламанинг сарфи 2,6 кг/м² самарадор эканлиги аниқланган;

янги таркибли акрил сополимери ва эпоксид смоласи асосидаги полимер композит қопламаларнинг ҳарорат таъсирида қавариқланиши ҳисобига металл конструкцияларни 200-500°С ҳароратлар оралиғида олов ва иссиқдан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композит лок-бўёқ маҳсулотини ишлаб чиқиш технологияси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

янги таркибли ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композит қопламалар яратишда полимер боғловчилар, қавариқланувчи кимёвий кўшимчалар, антипиренлар ва кокс ҳосил қилувчи кимёвий кўшимчаларнинг ўзаро оптимал нисбатлари ҳисобланган;

бино ва иншоотлар конструкцияларини ёнғиндан ҳимояловчи, қавариқланадиган қопламаларни ёнғин техник талаблари асосида иссиқлик, физик, механик хусусиятлари, кислород индекси ва тутун ҳосил қилиш коэффициентини барқарорлик кўрсаткичларининг юқори бўлганлиги асосланган;

оловбардош қавариқланадиган полимер қопламаларни қўллаш натижасида иссиқлик-физик хусусиятларини ҳарорат ўзгариш жараёнида математик модели ёрдамида термик барқарорлик кўрсаткичларининг юқори бўлгани асосланган;

ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композит қопламаларни маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан фойдаланиб ресурстежамкор, экологик хавфсиз самарадор технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композит қопламаларни идентификациялашда юқори информацион, замонавий физик-кимёвий (ИҚ, СЭМ ва ТГ), ёнғинбардошлиги ва қавариқланиши ҳамда иссиқлик физик-механик хусусиятлари назарий ва тажриба тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги ҳамда ишланманинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, янги таркибли ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композит қопламалар яратишда полимер боғловчилар, қавариқланувчи кимёвий қўшимчалар, антипиренлар ва кокс ҳосил қилувчи кимёвий қўшимчаларнинг ўзаро нисбатларини тадқиқ қилиш, физик-кимёвий ва механик хоссаларига таъсир этиши, ёнғинбардошлиги ҳамда иссиқлик-физик хусусиятларини ҳарорат ўзгариш жараёнида математик моделни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – нефть ва газ соҳасида қўлланиладиган металл конструкцияларни ёнғиндан ҳимояловчи, қавариқланадиган қопламаларни олиш технологияси, ушбу полимер композитларни қўллашнинг оптимал миқдори ҳамда ёнғинбардошлигини оширишнинг самарадор механизми ишлаб чиқилганлиги, шунингдек ёнғин таъсирида металл конструкцияларни ҳимоялашда асосий омил бўлиб хизмат қилувчи қавариқланувчи полимер қоплама таркибларни амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бино ва иншоотлар конструкцияларини ёнғиндан ҳимояловчи, қавариқланадиган қопламаларни ишлаб чиқиш ва уларни иссиқлик физик хусусиятларининг илмий асосларини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нефть ва газ соҳасида (Ст3-марка) металл конструкцияларни ёнғиндан ҳимоялашда қўлланиладиган ёнғиндан ҳимояловчи, қавариқланувчи қопламалар ишлаб чиқилиб, Муборак газни қайта ишлаш заводида (2021 йил 20 октябрдаги 08-02/ФХ-3917-сон маълумотномаси), Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасида (2022 йил 9 июндаги ОП04/ЭМ-2021-сон маълумотномаси), Шўртан газ кимё мажмуасида (2022 йил 9 июндаги 001/2128-сон маълумотномаси) жорий қилинган. Мазкур маълумотномаларда ишлаб чиқариш жараёнида қавариқланувчи қопламалар металл конструкцияларни ёнғин ва коррозиядан юқори даражада ҳимоялаш имкониятини берган;

полифункционал ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер қопламаларни “Автотракторрадиатор” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бино-иншоотларни металл конструкцияларни (Ст3-марка) ёнғиндан ҳимоялаш мақсадида амалиётга жорий қилинган (2022 йил 8 июндаги 233-сон маълумотномаси). Натижада, кўп тоннажли маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ресурстежамкор ва экологик хавфсиз металл конструкцияларда ҳимоя воситаси сифатида фойдаланиш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия

этилган илмий нашрларда 15 та мақола республикада, 1 хорижий журналларда ва 1 та хорижий монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертация мавзуси муаммонинг ўрганилганлик даражаси бўйича хорижий ва мамлакатимизда ўтказилган илмий тадқиқотлар ҳақидаги умумий маълумотлар келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ёнғиндан ҳимояловчи, қавариқланадиган қопламаларни ишлаб чиқиш ва қўллашдаги илмий тадқиқот муаммоларининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида жаҳонда сўнгги йиллардаги ишлаб чиқаришда ёнғинбардош қавариқланувчан, физик-механик хоссалари оширилган полимер композитларни қўлланилишининг долзарблиги кўрсатилган. Ишлаб чиқаришда бундай полимер композит лок бўёқ материаллар самарадорлигининг юқорилиги сабабли акрил сополимер ва эпоксид смоласи асосида олинган антипиренлар хизмат қилиши, шунингдек уларни маҳаллийлаштирилиш масалалари таҳлил қилинган ва ўрганиб чиқилишига эришилган.

Диссертациянинг **“Бино ва иншоотлар конструкцияларда қўлланиладиган ёнғиндан ҳимояловчи, янги таркибли қавариқланадиган қопламаларни яратиш ва хусусиятларни ўрганиш”** деб номланган иккинчи бобида, акрил таркибли сополимер эмульсияси асосидаги ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган композитларни янги таркибларни яратиш ва хусусиятларни тадқиқ этиш бўйича маълумотлар келтирилган. Акрил таркибли сополимер эмульсияси асосидаги ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган композитларни янги таркибларни яратишда бутилендиуретан асосида эпоксиполиуретанлар (қотирувчи-гексаметилендиамин) олинган ва ушбу полиуретанлар ёнғинбардош қавариқланувчи полимер композитларни хусусиятларини яхшиланишига ижобий таъсир этганлиги тажрибалар орқали аниқланди.

Таклиф этилган акрил сополимерлари асосидаги Э-21-1 маркали полимер композит қуйидаги таркиблардан иборат: Акрил стирол сополимери; эпоксиполиуретанлар; ПФА; меламин; диоксид титан; аммофос; бура; пентаэритрит; гексаметилендиамин.


Акрил стирол сополимерлари асосидаги Э-21-1 маркали қавариқланувчи қопламанинг физик-кимёвий хоссалари.


Номланиши	Э-21-1
Ранги	Оқ, рангли дисперсия
Зичлиги 25°C	1,2 г/см ³
pH	7-8
Қуриқ полимер композитнинг масса улуши	65±1
Қовушқоқлиги ВЗ-246 (ҳарорат 20,0±0,5 °С)	160 мм/с
Қўллаш ҳарорати	+5...+40 °С
Ишлаш ҳарорати	-30...+75 °С
Қопламанинг қотиш вақти	12-24 соат
Адгезия	1 балл

Олинган ушбу акрил полимерлар асосидаги сополимер дисперс системалар таркибидаги кимёвий моддаларнинг нисбатлари тўғрисидаги маълумотлар асосида кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилди.

Ёнғиндан ҳимояловчи, қавариқланадиган полимер қопламаларни дифференциал-термогравиметрик таҳлилларни тадқиқ этиш натижасида Е-44-1 маркали эпоксид смоласи асосидаги ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композитли қоплама намунасини дериватограмма эгри чизиғида 148; 190,22; 232,45 ва 410,23°C ларда тўртта эндотермик эффектлар ва 255,34; 372,42; 375,65 ва 427,56°C да тўртта экзотермик эффектлар аниқланди. Термогравиметрия эгри чизиғининг 100-800°C ҳарорат интервалида массанинг умумий йўқотилиши 75,0% ни ташкил қилди. 100-425°C ҳароратда 50% гача масса йўқотилиши аниқланди. Э-21-1 ва Е-44-1 маркали ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композитли қопламаларни масса йўқотишида кўрсатадиган натижаси катта фарқларга эга бўлмайди, яъни Э-21-1 маркали полимер композит 440°C ҳароратда 50% масса йўқотган бўлса Е-44-1 маркали полимер композит ҳам шунга яқин 425°C ҳароратда 50% масса йўқотганлигини кузатиш мумкин.

Аммо кокс ҳосил қилиши Э-21-1 маркали полимер композит 900-1000°C ҳароратга тўғри келди. Е-44-1 маркали полимер композитда эса 800-850°C га тўғри келганлиги аниқланди.





1-расм. Эпоксид смоласи асосидаги Е-44-1 маркали ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композитли қоплама намунасини дифференциал-термогравиметрик таҳлиллар (А) ДТА; (Б) ТГА.

Диссертация ишининг “Бино ва иншоотлар конструкцияларда қўлланиладиган ёнғиндан ҳимояловчи, қавариқланадиган қопламаларни физик-механик, ёнғинга чидамли хусусиятларини тадқиқ қилиш” деб номланган учинчи бобида ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композит қопламаларни физик-механик хоссаларни тадқиқ этишдан иборат бўлиб, ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композитларни олишда бир қанча усуллардан фойдаланган ҳолда турли таркибларни яратиш мумкин. Ушбу таркиблар ёнғинбардош ва қавариқланиш хусусиятини яхшилаш мақсадида қўшилганда полимер композит структурасига ҳар хил таъсир этиши натижасида физик-механик хоссалари ўзгаришига олиб келади. Ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композит қопламаларни кислород индексини тадқиқ этиш. Эпоксид смолалари асосидаги полимер композитларни кислород индексини аниқлаш қуйидагича амалга оширилди. Унга кўра ГОСТ 12.1.044-89 ва ГОСТ 21793-76 лар асосида полимер композит намунаси тайёрланди.

2-жадвал

Ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композитларни ҳосил қилувчи кимёвий таркибларни ўзаро нисбатларни кислород индексига таъсирларини ўрганиш синов-тажриба натижалари.

Полимер композит номи	Қавариқ ҳосил қилувчи таркиблар ва антипирен миқдори, масс, %	Кислород индекси, %	
Эпоксид смоласи	0	17-19,0	
Е-44-1	Полимер боғловчи:	32	
	эпоксид смоласи.....		28
	полисульфид каучук.....		10
	рух оксиди.....		1
	қотирувчи.....	3	

	Қавариқланувчи қўшимча: пентаэритрит..... 20 уротропин..... 8 Антипирен: АРМ-5 металл сақлаган аддукт..... 30		
Е-44-2	Полимер боғловчи: эпоксид смоласи..... 31 полисульфид каучук..... 5 рух оксиди..... 0,5 қотирувчи..... 3,5 Қавариқланувчи қўшимча: пентаэритрит..... 20 полифосфат аммоний..... 35 Антипирен АРМ-6 мочевина формальдегид смола..... 5		34
Е-44-3	Полимер боғловчи: эпоксид смоласи..... 20 қотирувчи..... 2 полисульфид каучук..... 16 рух оксиди..... 1 Қавариқланувчи қўшимча: пентаэритрит..... 20 хлорпарафин..... 10 графит..... 13 уротропин..... 10 Антипирен: титан оксиди..... 8		28
Е-44-4	Полимер боғловчи: эпоксид смоласи..... 30 қотирувчи..... 3 полсульфид каучук..... 8 рух оксиди..... 0,8 Қавариқланувчи қўшимча: пентаэритрит..... 10 Антипирен: металл сақлаган аддукт..... 25 вермикулит..... 12 полифосфат аммоний..... 11, 2		31

Эпоксид смоласи асосидаги ёнғиндан химояловчи қавариқланадиган полимер қопламаларни ишлаш механизмига кўра улар таркибида полимер боғловчилар, антипирен, 200-300°C ҳарорат таъсирида газ ҳосил қилувчи қавариқланувчи кимёвий қўшимчалар ҳамда тўлдирувчиларни 5-40% гача бўлган нисбатларни кислород индексига таъсири тадқиқ этилди. Бундан ташқари ушбу турдаги полимер қопламаларда полимер боғловчи массасига нисбатан 10% миқдорда қотирувчилар қўлланилади. Қотирувчилар сифатида таркибида азот сақлаган органик бирикмалардан иборат бўлиши аниқланди.

Ёнғиндан химояловчи қавариқланадиган полимер композит қопламаларни тутун ҳосил қилиш хусусиятларини тадқиқ этиш. Акрил сополимерлари асосида олинган ёнғиндан химояловчи қавариқланадиган

полимер композит-ли қопламаларнинг тутун ҳосил қилиш хусусиятини тадқиқ этиш. Акрил сополимер асосидаги полимер композит материалларни қавариқланиш ҳарорати ва тутун ҳосил қилиш хусусиятларига минерал тўлдирувчилар, қавариқланувчи кимёвий қўшимчалар, антипиренлар ҳамда бошқа кимёвий моддаларни таъсири тажриба синов жараёнларда ўрганилди.

Тажриба синов ишларида олинган намуналар асосида тутун ҳосил қилиш коэффициентини экспериментал тарзда аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди: ҳарорат, 14,2°C; атмосфера босими, 97,7 кПа. Ўлчов воситаларининг хусусиятлари: “Тутун ҳосил қилиш коэффициентини аниқлаш” ГОСТ 12.1.044-89 га мувофиқ олиб борилди. (2-расм).



2-расм. Акрил сополимер асосидаги полимер композит материалларни ҳарорат таъсирида қавариқланиши.

Акрил сополимерлари асосидаги Э-21-4 маркали ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композитли қоплама таркибига қўшилган полимер боғловчилар акрил стирол сополимери (АК-800) ва бутилокрилат, метилметакрил ва метакрил кислота сополимери эмульсиялардан иборат полимерлар боғловчи сифатида 26% гача қўллаш таклиф этилди. Бундан ташқари антипирен (карбомид, цианур меламинат) умумий миқдори 19% ҳамда тўлдирувчилар вермикулит ва алюминий гидроксид умумий миқдори 55% дан иборат бўлганда ёнғиндан ҳимояловчи, иссиқлик ўтказувчанлиги паст бўлган полимер композит хоссасига эга эканлиги маълум бўлди. (3-жадвал). Ушбу полимер композитни тутун ҳосил қилиш коэффициентига антипиренларни 14,2% миқдори 380 Dm, м²/кг дан 263 Dm, м²/кг гача камайишига сабаб бўлди.

3-жадвал

Акрил сополимерлари асосидаги Э-21-4 маркали ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер композитли қопламаларни тутун ҳосил қилиш хусусиятларини аниқлаш.

Э-21-4 маркали композитларни тутун ҳосил қилиш хусусиятларни аниқлаш, %	Ёнувчанлик		Тутун ҳосил қилиш коэффициенти, Dm, м ² /кг	
	Ишлов беришгача	Ишлов берилгандан сўнг	Ишлов беришгача	Ишлов берилгандан сўнг
10	ЕА	ҚА	380	347
15			380	306
19			380	263

ЕА (Енгил алангаланувчи), ҚА (Қийин алангаланувчи).


Ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган полимер қопламаларни ёнғинбардошлиги ва қавариқланиш хусусиятларни тадқиқ этиш. Акрил сополимерлари ва эпоксид смоласи асосидаги ёнғиндан ҳимояловчи полимер композитли қопламаларни механизмини ўрганиш натижасида қуйидаги синов тажриба ишлари амалга оширилди (3-расм).

Ёнғинга чидамли қавариқланувчи кокс қатламнинг ҳосил бўлиш механизмини, унинг термофизик ва физик-механик хусусиятларини ва олов таъсирида барқарорлигини ўрганилишига эришилди.




3-расм. Ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган қопламанинг кокс ҳосил қилиш механизми.

Ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган қопламалар хусусиятига қараб бир неча қатламда қўлланилади. Ҳар бир қатлам олдинги қатлам қуриганидан кийин қўлланилди. Ушбу қатламлар металл конструкцияларни коррозиядан ҳимояловчи ҳамда ёнғин таъсирида иссиқликдан ҳимояловчи замонавий ёнғинбардош қопламаларни ташкил қилди. Одатда ушбу қопламалар коррозияга барқарор ҳамда ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган қопламалардан иборат қатламларни ташкил этган бўлиб, металл конструкцияларни ёнғиндан ҳимояланиш даражасига қўйиладиган талаблардан келиб чиққан ҳолда белгиланди. Таклиф этилаётган қопламаларни талабга қараб турли рангларда тайёрлаш имконияти ҳам мавжуд эканлиги аниқланди.



4-расм. Акрил сополимерлари асосидаги ((1)Э-21-1, (2)Э-21-2, (3)Э-21-3 ва (4)Э-21-4 маркалар) ёнғиндан ҳимояловчи қавариқланадиган қопламалар ва аналоглар ((5) Металлак, (6) Стабитерм) билан ишлов берилган металл пластинкалар ҳамда

ишлов берилмаган металл пластинкаларнинг иссиқлик таъсир тезлигини таққослаш.




5-расм. Епоксид смолалари асосидаги ((1) E-44-1, (2) E-44-2, (3) E-44-3 ва (4) E-44-4 маркалар) ёнғиндан химояловчи қавариқланадиган қопламалар ва аналоглар ((5) Пламкор) билан ишлов берилган металл пластинкалар ҳамда ишлов берилмаган металл пластинкаларнинг иссиқлик таъсир тезлигини таққослаш.

Таклиф этилаётган ёнғиндан химояловчи қавариқланадиган қопламалар асосини ташкил этувчи акрил сополимерлар ва эпоксид смоласи асосидаги қопламалар 4-5 расмлардан кўришиб турибдики, аналоглар билан солиштирилганда улар билан рақобатлаша олиши мумкинлиги ўрганилди. Ушбу расмларда келтирилган ISO-834-ёнғинларнинг стандарт эгри чизиғи бўйича таҳлил этилганда (махсус ускуна) 80-90 дақиқа давомида 1000°C ҳароратга кўтарилиши аниқланди. Шундан келиб чиқиб Ст3 металл пластинкаси 500°C ҳароратгача қиздириш учун 20 дақиқа вақт талаб этилди. Акрил сополимерлари ва эпоксид смолалари асосидаги қопламалар 500°C ҳароратга кўтарилиши учун акрил сополимерлари асосидаги ((1) Э-21-1, (2) Э-21-2, (3) Э-21-3 ва (4) Э-21-4 маркалар) ёнғиндан химояловчи қавариқланадиган қопламалар ва аналоглар (Металлакс, Стабитерм) ҳамда эпоксид смолалари асосидаги (E-44-1, E-44-2, E-44-3 ва E-44-4 маркалар) ёнғиндан химояловчи қавариқланадиган қопламалар ва аналоглар (Пламкор) билан ишлов берилган металл пластинкаларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги 60-90 дақиқага тенглиги аниқланди. Ушбу натижалар ГОСТ-Р-53295-2009 талаблари асосида қопламалардан иссиқлик оқимини ўтиш тезлиги ва унинг вақтга боғлиқлиги аниқланган. Шунга кўра таклиф этилаётган қопламалар 3 гуруҳ (90 дақиқа) ва 4 гуруҳига (60 дақиқа) киришини тажриба синовлар кўрсатди.

Шундай қилиб, акрил сополимерлари асосидаги ёнғиндан химояловчи қавариқланадиган полимер композитли қопламалар таркибида фосфор, азот ва металл сақлаганлиги сабабли юқори адгезия, ҳароратга барқарорлиги, коррозиябардош ва об-ҳавога таъсирчанлиги юқори бўлган полимер композит қопламалар сифатида таклиф этилди.

Диссертация ишининг “**Бино ва иншоотлар конструкцияларда қўлланиладиган ёнғиндан химояловчи, қавариқланадиган қопламаларни иссиқлик физик хусусиятларининг илмий асослари**” деб номланган тўртинчи бобда ёнғиндан химояловчи қавариқланадиган полимер композитларнинг иссиқлик физик хусусиятларини ўлчашнинг назарий асослари сифатида самарали энергия манбаи, экологик тозаллиги, уран ва торий изотоплари каби хом ашёнинг нисбатан арзон ва қўплиги ҳамда бутун ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш ва хавфсизлик чораларини таъминлаш учун юқори самарали технологияларни йўлга қўйилганлиги бунга асос бўлмоқда.

Ёнғинга чидамли қопламанинг хусусиятларини тавсифлаш учун таркибида металл бўлган ёнғинга чидамли эпоксид смолалари асосидаги Е-44-1 маркали қопламаларни металл конструкция юзасида қоплама ҳосил қилиш орқали ёнғинбардошлигини оширишда математик моделни ишлатиш таклиф этилди. Ёнғиндан химояловчи, қавариқланадиган қопламаларни ҳарорат кўтарилиш диаграммаси (6-расм).



6-расм. Ёнғиндан химояловчи қавариқланадиган қопламаларни ҳарорат кўтарилиш диаграммаси.

Модел қопламали модданинг оддий моддалар аралашмаси сифатида қарашига асосланади ва улар қиздирилганда газ фазасида компонент ҳосил қила олади. Қоплама хусусиятларга таъсир этувчи ҳарорат оралиғида газсимон компонентларнинг ҳосил бўлиши натижасида қавариқланишнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ушбу тадқиқотда бир нечта қўшимча соддалаштиришлар назарда тутилган: 1) қоплама тўртта компонентни ўз ичига олади - битта кимёвий инерт (n) ва битта фаол компонент (a), улар қиздирилганда эндотермик равишда инерт таркиблар конденсацияланади (c) ва газсимон компонентларга (g) айланади; 2) қавариқланувчи қоплама газ фазадаги компонентларни тузилишига таъсир этмайди, шунинг учун тажрибада масса йўқолиши билан боғлиқ таъсирлар эътиборга олинмайди; 3) ёнғиндан химояловчи, қавариқ-ланадиган полимер таркибли материаллар кимёвий инерт моддаларга яқин ҳолатда бўлди. Тажрибага кўра, фазовий ҳолатни бир ўлчовли деб ҳисоблаш мумкин. Оддий химояланган сиртга йўналтирилган асосий фазовий координата (x) целлюлоза таркибли материал ва химоя қопламаси орасидаги масофадан қоплама томон ўлчанди.

1) $-L_{tr} < x < 0$ – химояланган металл конструкция таркибли субстрат;

2) $0 < x < x_s$ – ёнғиндан ҳимояловчи, қавариқланадиган ҳимоя қопламаси.

Металл конструкцияси асосидаги материални иссиқлик ўтказувчанлиги иссиқлик ўтказувчанликнинг дифференциал тенгламаси билан ифодаланади:

$$\frac{\partial T(x, \tau)}{\partial \tau} = \frac{\lambda}{c_p \cdot \rho} \cdot \frac{\partial^2 T}{\partial x^2} \quad (1)$$

бу ерда: c_p - металл конструкцияси асосидаги материални изобарик иссиқлик сифими, Ж/(м³·К),

λ – металл материални иссиқлик ўтказувчанлиги, Вт/(м·К);

Металл конструкцияси асосидаги материалнинг ҳаво билан чегараси (2) тенглама шаклга эга:

$$-\lambda_{tr} \cdot \left. \frac{\partial T(x, \tau)}{\partial x} \right|_{-L_{tr}} = \alpha (T(-L_{tr})) \cdot [T_{air} - T(-L_{tr})] \quad (2)$$

бу ерда: L_{tr} – металл асосидаги материалнинг қалинлиги, мм;

T_{air} – ҳаво ҳарорати, К;

α – маълум бир сиртнинг иссиқлик бериш коэффициентини, Вт/(м²·К);

$$\alpha = \frac{\lambda}{c_p \cdot \rho} \quad (3)$$

T_f – ўртача (аланга) ҳарорати, К.

L_0 – қопламанинг дастлабки қалинлиги, мм.

Материални иссиқлик ўтказувчанликнинг дифференциал тенгламаси қуйидагича ифодаланади:


$$c_p \cdot \rho \frac{\partial T(x, \tau)}{\partial \tau} = \lambda \frac{\partial^2 T}{\partial x^2} \quad (4)$$

